

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 22 (1253)

2020 ЙИЛ 11 ИЮНЬ

Яқинда
“S&P Global
Ratings”
халқаро
рейтинг
агентлиги
Ўзбекистон
Республикаси
суверен рей-
тинги бўйича
навбатдаги
ҳисоботини
эълон қилди.



“S&P GLOBAL RATINGS” АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН СУВЕРЕН РЕЙТИНГИНИ “ВВ-” ДАРАЖАСИДА ТАСДИҚЛАДИ, БИРОҚ...

Унда ҳукуматимизнинг кенг қамровли ислохотларни амалга оширишда ва иқтисодийтни модернизация қилишда илгариларгани эътироф этилган.

Шунингдек, мамлакат институционал ислохотларда муваффақиятга эришаётгани таъкидланган. Хусусан, “Doing Business”, “Коррупцияни қабул қилиш” индекслари ва Жаҳон банкининг бошқарув кўрсаткичларида мамлакатимизнинг ўрни сезиларли даражада яхшиланганлиги эътироф этилган.

Шу билан бирга 2019 йилда бошланган банк сектори ислохотлари натижасида банк тизимида долларлашув даражасини пасайгани ҳамда бу ўз ўрнида, бозори сегментациясини камайтиришга қаратилган чоралар билан уйғунлиқда Марказий банкнинг инфляцияни таргетлаш режимига ўтишига ва монетар сиёсатининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиши кўрсатилган.

Булар қаторида солиқ ислохотлари натижасида солиқ базаси кенгайгани ва

ундириш суръатлари ошгани ҳамда давлатда фискал шаффофлик ортгани қайд этилган.

Қолаверса, Республика учун давлат улушига эга корхоналар ислохоти ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини ошириш ҳукумат олдида турган устувор вазифа бўлиб қолаётганига урғу берилган.

Бироқ мазкур ҳисоботда мамлакатимиз рейтингининг кутилмаси “Барқарор”дан “Салбий”га ўзгартирилди.

Давоми-5

ОТБ ВА “ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА САВДОНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Осиё тараққиёт банкининг Савдони молиялаштириш дастури (СМД) ва “Ипотека-банк” АТИБ ўртасида мамлакатда савдони қўллаб-қувватлаш учун кафолатлар тақдим этиш бўйича битим имзоланди.

“Биз Ипотека-банк янги савдо ҳамкори бўлганидан хурсандмиз, чунки ОТБ нинг Савдони молиялаштириш дастури Ўзбекистондаги савдо оқимларини кенгайтиришни ва қўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда”, – дейди алоқалар бўйича менежер Нана Куродзе. “Бизнингча, ОТБ Савдони молиялаштириш дастури ҳозирги мураккаб даврда импорт-экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади”.

ОТБнинг Савдони молиялаштириш дастури Ўзбекистонда 9 та ҳамкор банк билан ишлайди. 2019 йилда дастур асосида мамлакатда 39 та битим амалга оширилиб (уларнинг 57% хусусий сектор томонидан молиялаштирилган), мамлакатда 139,24 млн. долларлик савдо қўллаб-қувватланди.

“Ипотека-банк маҳаллий импорт ва экспорт фаолияти билан шуғулланувчиларни, айниқса COVID-19 пандемияси туфайли етказиб беришлар секинлашган ҳозирги оғир пайтда, қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлди”, – деди Ипотека-банк бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Элёр Иномжонов. “Банкнинг савдони молиялаштириш бўйича операцияларининг кенгайиши мижозларимизни минтақавий ва халқаро савдо оқимларига интграция қилиш ҳамда Ўзбекистон ва бошқа давлатлар ўртасида савдо ҳамжамларини оширишга ёрдам беради”.

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Ўзбекистондаги етакчи тижорат банкларидан бири ҳисобланади. Банкнинг 39 та филиал ва 151 та мини-банклар ҳамда 100 дан зиёд корпоратив мижозларга эга. Ипотека-банк маҳаллий корхоналарига ўз айланма маблағларини яхшироқ бошқариши ва узуқ муддатлик савдо режалари учун ўта зарур бўлган ёрдамларни кўрсатмоқда.

ОТБ Осиё-Тинч океани минтақасида ривожланиш, барқарорлик ва бирдамликни таъминлашга эришиш мақсадида қатъий интилиб, камбағалликка барҳам бериш борасидаги ишларини ҳам давом эттирмоқда. ОТБ 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, 68 мамлакат унинг акциядорлари ҳисобланади ва улардан 49 таси Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган мамлакатлардир.

Банк Ахборот хизмати



ONE TOUCH: РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯГА “ТУРОНБАНК” БИЛАН ТАШЛАНГАН МУСТАҲКАМ ҚАДАМ!

Бугун етти миллиарддан ошқирок дунё аҳолиси кичик бир заррадек касаллик ортидан хавотирли умр кечирмоқда. Кимдир сеvimли касби билан шуғуллана олмаётган бўлса, яна кимдир яқинларидан йироқда, бошқалар эса ҳаётларини хавфга қўйиб, инсонлар саломатлиги учун туну – кун курашишяпти. Энг тараққий этган АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Германия, Италия сингари давлатларнинг кучли билимга эга олимуну – шифокорлари ҳам бу дардда чора топа олаётгани йўқ.



Барча уринишларнинг ортида, фақатгина сабр ва қаноат билан ушбу вирусни енгиб ўтиш сингари масъулиятли вазифа турибди.

Ушбу кунлар Ўзбекистон учун ҳам айрим тажрибаларни синовдан ўтказиш, доим муаммоли масалалар мундарижасининг етакчи ўринларида бўлган IT ва дастурий таъминотлар соҳаси камчиликларини тўлақонли англаш, оғриқли нуқталарни белгилаш ва энг асосийси “инновация, инновацион” деган сўзни ҳуда-беҳуда эмас, балки ўз ўрнида, ижроси билан ишлатишга ўргатиб, яшаб қолиш учун тизимларни рақамлаштириш керак эканлигини исботлаяпти.

Давоми-3



“ИПОТЕКА БАНК” – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ФАОЛ ЭМИТЕНТ БАНК

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (EBRD) Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастури (TFP – Trade Facilitation Programme) доирасидаги нуфузли анъанавий мукофот ғолибларини эълон қилди. “Ипотека-банк” АТИБ – Ўзбекистондаги энг фаол эмитент банк номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Мазкур мукофот билан ЕТТБ “Ипотека-банк”нинг халқаро савдони молиялаштиришдаги алоҳида ютуқларини эътироф этади ва савдо-сотикни молиялаштириш соҳасида банк фаоллигини алоҳида таъкидлаб, кўрсатилган хизматлар сифатини юқори баҳолайди.

Қайд этиш жоизки, “Ипотека-банк” АТИБ қисқа вақт ичида ўз мижозларига кўплаб имкониятлар тақдим этган ҳолда, савдони молиялаштириш соҳасида Ўзбекистон бозорида етакчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

“Ипотека-банк” АТИБ савдони молиялаштириш тадбиркорлигининг иқтисодий ўсишига муҳим ҳисса қўшишини инobatта олган ҳолда, бу йўналишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ушбу соҳани ривожлантириш, айниқса ушбу оғир даврда, мамлакат ишбилармон қатламлари учун жуда муҳим бўлиб, савдони молиялаштиришда қўлланиладиган воситалар хўжалик субъектлари, яъни банк мижозларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлашда самарали ечимларни тақлиф қила олади.

2020 йилда “Ипотека-банк” АТИБ савдони молиялаштиришга қўшимча оширилган лимит доирасида ўз мижозларининг янада кўпроқ дойирчаларини амалга ошириши ва бу соҳада Ўзбекистон бозорида етакчи мавқеини сақлаб қолиши учун барча имкониятларга эга.



Маълумот учун қўшимча қилиш жоизки 2020 йилги TFP мукофотининг 30 та номинациясида дунёнинг 27 мамлакатидан кредит-молия муассасалар кўрсатилди. Мазкур мукофот 2019 йил давомида ЕТТБнинг молиялаштириш хизматларини энг фаол тақдим этган муваффақиятли эмитент ва тасдиқловчи банкларга тақдим этилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки савдони ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастури доирасида “Асака” банкни Ўзбекистондаги энг фаол эмитент банк сифатида эътироф этди.



“АСАКА” БАНК ҲАМ ЭЪТИРОФДА

EBRD TFP Award учта қитъадаги қалин ҳамкорлари фаолиятини баҳолади. 2019 йил якунларига кўра, “Асака” банк мамлакатимиздаги энг фаол эмитент банк сифатида тан олинди.

“Асака” банки ЕТТБ савдони ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастурига 2019 йилнинг сентябрь ойида қўшилган. Орадан қисқа вақт ўтганига қарамай “Асака” банк ЕТТБ молиялаштириши иштирокидаги савдо шартномаларини тадбиқ этишда ўзининг тўла салоҳиятини кўрсата олди. Бу эса ўз

навбатига ЕТТБ томонидан юқори баҳоланди.

Таъкидлаш жоизки, “Асака” банк савдони молиялаштириш йўналишининг фаол қатнашчиси ҳисобланади ва йиллик савдони молиялаштириш ҳажми 1 млрд. АҚШ долларига тенг. Бу борада банк JPMorgan Chase Bank, Citi Bank, Deutsche Bank, SMBC, Commerzbank AG, The Export-Import Bank of Korea, Natixis Bank, Gazprombank, VTB Bank, Oddo BHF, RBI сингари дунёнинг етакчи молия муассасалари ва институтлари билан ҳамкорлик қилади.

“ДАНҒАРА” КОМПЛЕКС ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ МАРКАЗИ ЎЗ ИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

АТ “Алоқа-банк” мижозларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришда давом этмоқда. Жумладан, яқинда билан Фарғона вилояти Данғара туманида “Данғара” комплекс хизматлар кўрсатиш маркази ўз иш фаолиятини бошлади.



Мазкур марказда юридик шахсларга ҳисобрақам очиш, уларни кредитлаш, кунлик нақд пул тушумини қабул қилиш, жисмоний шахсларни кредитлаш, пластик карточкалар билан боғлиқ операциялар, терминалда бошқа банк картасидан нақд пул ечиш, халқаро пул ўтказмалари, омонат операциялари

ва бир марталик тўловлар амалга ошириш каби хизматлар кўрсатилади.

Бундан ташқари, марказда аҳолининг нақдга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун 24/7 режимида фаолият юритаётган банкоматнинг ўрнатилгани уларнинг мушуқлини енгил қилиши тайин.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”НИНГ ЭМИТЕНТ ДЕФОЛТИ УЗОҚ МУДДАТЛИ РЕЙТИНГИ “ВВ-” ДАРАЖАСИДА

Fitch халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Эмитент дефолти узоқ муддатли рейтингини “ВВ-” даражасида, прогнозини “Барқарор” деб тасдиқлади.

COVID-19 коронавирус инфекцияси билан боғлиқ иқтисодий таҳдидлар фонида “Ўзсаноатқурилишбанк” барқарор прогнозининг сақлаб қолингани банк бизнесининг самарали ривожланаётгани, активлари барқарор ўсаётгани ҳамда уларнинг юқори сифатидан далолат беради.



ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ “МИКРОКРЕДИТБАНК” РЕЙТИНГИНИ ЯНГИЛАДИ



Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги “Микрокредитбанк” рейтингини “ВВ-” “Барқарор” даражасини янгилади. Бу эса банкнинг халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда мижозлар ишончини орттиришга хизмат қилади.



ONE TOUCH: РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯГА “ТУРОНБАНК” БИЛАН ТАШЛАНГАН МУСТАҲКАМ ҚАДАМ!

1-бошланиши

Ҳар сафар жаҳон мамлакатларининг иқтисодий аҳволи акс этган таҳлилий журналларни ўқиганимизда, қатор рақамли тўлов компаниялари, молия дунёси ва давлат сиёсати бошқарувчиларининг “банкнот ва нақд пуллардан узоқлашиб, масофавий муносабатларни фаоллаштириш керак” деган сўзлари, худдики ҳеч қачон бизнинг замин билан кесишмайдигандек туюлар эди. Аммо, ҳукумат раҳбарларидан тортиб, оддий одамларни ҳам “дўпини олиб қўйиб, чуқурроқ ўйлашга” мажбур қилган ҳозирги таҳликали, таъбир жоиз бўлса, фавқуллода ҳолат, ривожланишга вақт ва сабабнинг алоқаси йўқлигини яна бир бор кўрсатади.

Натижада фавқуллода масофаланишга ўтилгани боис, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш юқи бир неча баробарга ошди. “Уйда қолинг”, “Кўчага чиқманг” мазмундаги чақириқлар фониди, онлайн ва етказиб бериш хизматлари куннинг энг долзарб масаласига айланди. Айниқса, банклар шу ўтган икки ойдан кўпроқ вақт давомида кўплаб ўзгаришларни бошдан кечиришди. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган жозибадор хизматларнинг кенг ассортименти Ўзбекистон молия блогига жорий этила бошланди.

Хусусан, ходимларнинг масофадан туриб ишлаши йўлга қўйилди. Унинг самараси, янги ғояларнинг вужудга келишидаги аҳамиятини Россиянинг “Тинькофф”, АҚШнинг “Bank of America” сингари таниқли молия институтлари ўз фаолиятлари орқали аллақачон исботлашган эди. Шунингдек, мамлакатимиздаги 30 га яқин тижорат банкларининг деярли барчасида мобил иловаларнинг функционал вазифалари кенгайди, такомиллаштирилди, халқаро стандартларга мосланди. Уларнинг фойдаланувчилари қаторидан нафақат тадбиркорлар, корпоратив мижозлар балки оддий аҳоли ҳам жой олишни бошлади. Энг асосийси, ўзаро ишонч ва ҳурмат янада кучайди.

Бундан ташқари, навбат, оврагарчилик деган ғарбнинг 20 йил аввалги одатларига ҳам қайсидир маънода чек қўйилиб, боз устига банкларда етказиб бериш хизматлари ҳам жорий этилди. Тасаввур қилинг-да, пластик картангизнинг



амал қилиш мuddати яқунланмоқда, сиз ўзингиз мижоз бўлган молия муассасасининг расмий веб – сайти ёки мобил иловаси орқали янги картага буюртма беряпсиз ва бир неча кун ичида улар уйингизга олиб келиб беришяпти.

Албатта, бунинг замирида Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” ҳамда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги каби қатор фармон ва қарорларининг ўрни аҳамиятлидир. Ўз вақтида, тўғри ташланган қадам ва белгиланган вазифалар оғир кунлардан беталафот ўтиш билан бирга, одамларимизнинг узоғини яқин, мушкулчини осон қилишда кўмакчи бўлмоқда.

ТЕРМИНАЛНИ СМАРТФОНГА АЛМАШТИРИНГ “Туронбанк”дан сиз учун кенг ИМКОНИЯТ

Ушбу синови дамларда ўз жамоаси билан муносиб ирода кўрсатган “Туронбанк” аҳоли учун кўплаб янги хизматларни тақдим этди. У хоҳ халқаро пул ўтказмалари тизимида бўлсин хоҳ пластик карточкаларни онлайн расмийлаштириш борасида. Аҳамиятлиси, улар мамлакат молия секторида ҳали ўхшаши бўлмаган,

янги ноу-хауларни татбиқ этиш баробарида, соғлом рақобат муҳитида илдамлаб кетишди.

Навбатдаги хизмат ҳам сўзимизнинг яққол мисолидир. Энди “Туронбанк” ишбилармонлар учун “Humo” терминалларини смартфонларга алмаштириш имконини тақдим этмоқда. Тасаввур қилинг-а “One Touch” тизими орқали энди Сиз тўловларни қабул қилиш учун қурилма, унинг қувватлагичларини кўтариб юришингиз шарт бўлмайди, шунчаки уяли телефонингизга (NFC тизими мавжуд андроид телефонлар) картани теккисасиз ва маблағларни қабул қилиб оласиз. Энди савол туғилиши табиий бу кимга ва нима учун керак?

терминали мавжуд такси фойдалироқ бўлмоқда. Аммо, улар ҳам кўп ҳолларда мазкур терминаллар ишламаётгани, қуввати тугаганини айтиб истеъмолчиларнинг норозилигини келтириб чиқаришмоқда. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олишда “Туронбанк” ва “Humo” тўлов тизими ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “One Touch” хизмати қўл келиши аниқ. Сабаби, у бевосита қўл телефонингизга уланган бўлади ва ортиқча оврагарчиликларни талаб этмайди. Фақатгина тизимни бепул фаоллаштириш учун банкка ташриф буюришингиз талаб этилади, холос.

Статистик маълумотга қараганда, нақд пул билан муомала қилувчи такси ҳайдовчилари кунига 80 – 100 минг сўмгача фойда олишса, терминаллари мавжуд таксичилар 2 баробар кўпроқ пул топишар экан. Фақатгина кўп ҳолларда терминалларни олиб юриш, пластик карточка билан бўладиган амалиётларни бажаришга тоқат қилмайдиганлар ҳам бўлган. “One Touch” хизмати билан эса энг нозик таъбли мижознинг ҳам кўнглини олиш мумкин бўлади. Агарда Сизнинг уяли алоқа воситангизда NFC тизими мавжуд бўлмаса, ҳавотирга ўрин йўқ “Туронбанк” энг сифатли маший техника сотуви билан ҳамкорликда



Турган гапки, бугунги замонавий техника асри инсонлар ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилувчи янги ишланмаларни тақдим этиш баробарида, уларнинг турмиш тарзлари ва умр кечириш даражаларини ҳам бир мунча ўзгартириб юбормоқда. Яъни, ҳозирги урбанизация шароитида кенг жамоатчилик имкон қадар вақтдан унумли фойдаланиш, бир мунча юмушларни биргина ҳаракатнинг ўзида амалга оширишга интилоқда. Бунинг натижасида эса сифатли ва барча АҚТлар билан таъминланган етказиб бериш ҳамда такси хизматига бўлган талаб ошиб борапти. Доимий иш билан банд бўлган аҳолининг деярли барчасида банк пластик карточкалари борлигини инobatта олсак, нақд пул билан муомала қилувчи такси ҳайдовчиларидан кўра, автомобилида тўловларни қабул қилиш учун

мана шундай энг сўнгги русумдаги телефон харид қилишингиз учун кредит ҳам ажратишга тайёр. Банкдан молиявий кўмак эвазига ҳам ҳали Ўзбекистонда ўхшаши бўлмаган тизимни ёқтирасиз ҳам янги смартфонлик бўлиб оласиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мақсади ҳам аслида шу – янгилик яратишдан кўрқмаслик ва одамларимиз ҳаётини имкон қадар енгиллаштиришдир. Замонавий дунёнинг энг мураккаб чақириқларига тайёр туриш ва бу йўлда собит қадам бўлишдир. Мана шундай залвори оғир масъулиятли вазифани ўзининг энг олий мезонига айлантирган “Туронбанк” ҳаракатдан ҳеч ҳам тўхтамайди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда “Халқнинг эртаси – бугундан яхши бўлиши керак”.



Реклама ўрнида

САРДОБАДА 85 ТА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк”ка бириктирилган Сардоба туманида 11 та тижорат банки томонидан жами 85 та инвестицион лойиҳа амалга оширилади.

Жорий йилнинг 1 май куни Сардоба сув омбори тўғонининг ўпирилиши натижасида ёндош туманларни сув босиб, кўплаб аҳоли турар жойлари, ижтимоий объектлар, экин майдонлари ҳамда йўл ва коммуникация тармоқларига катта зарар етди.

Айни пайтда республика-миздаги вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимликлари, турли муассасалар, қолаверса, халқимиз орасидан чиққан минглаб кўнгиллилар кучи билан талофат оқибатларини жадаллик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

“Ўзсаноатқурилишбанк”ка бириктирилган Сардоба туманида тижорат банклари томонидан 2020-2021 йиллар давомида ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини тиклашга қаратилган sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларига доир умумий ҳажми 342,1 млрд. сўмга тенг 85 та лойиҳани ишга тушириб, уч мингга яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Қолаверса, “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан Сардоба туманида умумий қиймати 61,5 млрд. сўмлик тўртта лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, “Sardoba Oqsaroyi Tekstil” корхонасига тегишли тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлиб, объектни қуриш ва жиҳозлашга Ўзсаноатқурилишбанк молиявий мадад бўлмоқда. Корхонанинг ишга туширилиши натижасида 500 та янги иш ўрни яратилади.

Эътиборлиси, корхона тўла

куватда ишга тушганда тайёр трикотаж ва хом ашё матолар нафақат маҳаллий бозорга етказиб берилади, балки уларнинг 3,3 млн. АҚШ долларлик қисми чет давлатларга ҳам экспорт қилинади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Банк томонидан Сардоба туманида паррандачилик соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу йўналишда 2020-2021 йилларда жами миқдори 40,5 млрд. сўмлик учта лойиҳанинг амалга оширилиши мўлжалланган.

Улардан бири “Пахтаобод инвест парранда” корхонаси ташаббускорлигида ишга туширилиб, натижада туман аҳолисининг 450 нафари иш билан таъминланиши ҳамда йилига аҳоли дастурхонига минг тоннадан зиёд парранда гўшти етказиб берилиши кўзда тутилган.

Банк томонидан кредитлаш билан чегараланиб қолмасдан аҳолига тадбиркорлик сирู асрорларини ўргатиш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилган.

Мухтасар айтганда, Сардоба туманида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар ҳудуднинг тикланиши, сардобаликларнинг аввалгиданда яхшироқ ҳаёт кечиришларига муносиб ҳисса қўшади.

Банк Ахборот хизмати

“Асака” банк томонидан Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба туманларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш мақсадида 18 та янги лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳалар қиймати қарийб 152 миллиард сўм бўлиб, уларнинг ишга тушиши натижасида 800 та янги иш ўринлари яратилади.

ЎНЛАБ ЛОЙИХА ВА ЮЗЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Қисқа муддатда фойдаланишга топшириш мўлжалланган лойиҳалардан бири мактабга-ча таълим масканлари бўлиб, Мирзаобод туманида 2 та, Оқолтин ва Сардоба туманларида 1 тадан мактабга-ча таълим маскани очиш кўзда тутилган.

Мирзаобод туманида “Finiba tex” тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасининг иш бошлаши натижасида 300 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади. Мазкур туманда шунингдек, “Mirzaobod Limonchilik klasteri”ни ҳам шу йилнинг ўзида ишга туши-

риш назарда тутилган ва ташкил этиладиган иссиқхонада кулупнай, лимон етиштириш йўлга қўйилади. Натижада маҳаллий бозорга сархил мевалар етказиб бериш билан бирга ушбу маҳсулотлар экспортга ҳам йўналтирилади. Асосийси яна 300 кишининг доимий иш ўрнига эга бўлишига эришилади.

Бундан ташқари, “Асака” банк томонидан талофат кўрган учта ҳудудда қишлоқ хўжалиги, sanoat, хизмат кўрсатиш сингари соҳаларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳам амалга оширилиши белгилаб олинган.

Банк филиали раҳбари бир тадбиркорга 400 миллион сўм имтиёзли кредит берди. Бир қарашда бошқарувчи яхши иш қилгандек. Бироқ кредит олган тадбиркорлик субъекти унинг ўзига тегишли бўлиб чиқди.



БАНК ФИЛИАЛИ РАҲБАРИ ЎЗИ КРЕДИТ АЖРАТИБ, ЎЗИ ИШЛАТИБ ЮБОРДИ

Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Гурлан тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, банк филиали собиқ раҳбари О.Ш. ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда, танишининг номига “G.TAMORQA” масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, амалда ушбу жамиятни ўзи бошқариб, давлат дастури асосида берилган маблағлар ҳисобидан корхонага 400 миллион сўм имтиёзли кредит ажратган.

Кредит маблағларини эса бошқа мақсадларда сарфлаб, гаровга қўйилган мулкни сохта ҳужжатлар билан гаровдан чиқариб, жуда кўп миқдордаги пул маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан О.Ш. ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

ЎЗА

ТРАНЗАКЦИЯЛАРДА ПАСАЙИШ

Коронавирус пандемияси эълон қилинганлиги ҳамда жорий этилган карантин кўплаб фуқароларнинг одатий турмуш тарзини ўзгартириб юборди, кўплаб юртдошларимизнинг ўз иш жойларини йўқотишларига сабаб бўлди ва молиявий қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Жорий қилинган чекловлар миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Аҳолининг сотиб олиш қобилияти пасайиши кўпгина хўжалик юривчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахслар, ўз-ўзини банд қилган фуқаролар товар айирбошлашининг салбий динамикасига сабаб бўлди.

Terminallar bo'yicha tranzaksiyalar statistikasi



	terminallar orqali tranzaksiyalar qiymati	terminallar orqali tranzaksiyalar soni	terminallar soni	
2018	mart	4 049 465 099 844,78	47 887 979	184 702
	aprel	4 362 524 675 547,94	45 164 293	186 673
	may	4 904 086 423 756,25	47 188 381	187 506
2019	mart	4 779 176 397 065,23	45 260 187	187 459
	aprel	4 706 725 428 378,87	41 955 502	189 083
	may	5 107 370 775 386,72	42 172 809	188 588
2020	mart	4 383 306 538 601,4	35 417 080	176 998
	aprel	3 504 974 833 104,1	36 531 020	119 988
	may	4 516 554 646 118,61	41 718 332	136 386

Статистик маълумотларга кўра, фаолият кўрсатаётган 380 211 та субъектлардан 189 239 таси ёки қарийб 50%, яъни ҳар 2-корхона

карантин туфайли тўлиқ қувват билан ишламади. Натижада, савдо нуқталари сонининг — 2019 йилнинг шу давrigа нисбатан

22,5% га кескин камайиши кузатилди.

Сўнги уч йил ичида савдо терминаллари орқали амалга оширилган транзакциялар сонининг сезиларли — тахминан 19% га пасайиши кузатилди.

Ҳозирги кунга келиб, жаҳон миқёсида тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши устуни ҳисобланади. Тадбиркорлик ва иш билан банд аҳолини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида “Uzcard” бизнесини қулай усулда бошқариш учун IT ечимни ишлаб чиқишга киришган. Лойиҳа кўплаб тадбиркорларга ўз маҳсулотларини тезда сотишда ёрдам берадиган электрон платформа шаклида тақдим этилган.

Тез орада “Uzcard” лойиҳанинг ишга туширилиши санасини эълон қилади.

Uzcard.uz

“S&P GLOBAL RATINGS” АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН СУВЕРЕН РЕЙТИНГИНИ “ВВ-” ДАРАЖАСИДА ТАСДИҚЛАДИ, БИРОҚ...

1-бошланиши

Ушбу “Салбий” кутилма коронавирус пандемиясининг иқтисодийта салбий таъсири ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб қилинаётган маблағлар ҳисобига Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи сўнги 12 ой давомида сезиларли ўсгани билан изоҳланган.

Шу билан бирга, “S&P Global Ratings” томонидан давлат ташқи қарзи юқори суръатлар билан ўсишига қарамай у билан боғлиқ хатарлар хануз паст даражада эканлиги эътироф этилган.

Маълумот учун: Дастлабки оператив маълумотларга кўра, 2020 йил 1 июнь ҳолатига давлат ташқи қарзи 16,9 млрд. АҚШ долларни ёки Ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 29,2 фоизни ташкил этмоқда.

рини салбий томонга ўзгартирди. Ҳисоботда “S&P Global Ratings” томонидан куйидагилар келгусида мамлакатимиз халқаро суверен рейтингига ижобий таъсир этувчи омиллар ҳисобланади:

- Ташқи қарз ўсиш суръатларининг ўрта муддатларда пасайиши;
- Ўзбекистоннинг глобал иқтисодийта интеграциялашуви ва давлат улушига эга корхоналарни ислоҳ қилиш натижасида иқтисодийнинг ўсиш салоҳияти ва барқарорлигини яхшиланиши;
- Диверсификациялашган давлат бюджетни даромадлари базаси ва экспорт таркиби.

Шу билан бирга, “S&P Global Ratings” томонидан куйидагилар республиканинг халқаро суверен рейтинг баҳоларига салбий таъсир этувчи омиллар сифатида келтирилган:



Мавжуд ташқи қарзнинг 11,4 млрд. АҚШ долларни ёки 67 фоизи ҳукумат номидан ёки давлат кафолати остида давлат корхоналарининг инвестицион лойиҳа ва дастурларига жалб қилинган маблағлардир.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2020 йил 19 май куни чоп этилган Қарз барқарорлиги ҳисоботида республиканинг қарзга хизмат кўрсатиш салоҳияти юқори ҳамда давлат ташқи қарзи ҳамжи муътадил даражадалиги эътироф этилган.

Қайд этиш лозимки, коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг таъсири туфайли дунё бўйлаб мамлакатларнинг рейтингларида салбий томонга ўзгартиришлар кузатишмоқда. Хусусан, йил бошидан бери “S&P Global Ratings” 47 та мамлакатнинг суверен рейтинглари ёки кутилмала-

• 2023 йилгача ташқи қарз ортиши туфайли фискал баланснинг сезиларли ёмонлашуви ҳамда ташқи қарзни янада тезроқ ўсиши;

- Давлат улушига эга корхоналар ҳолатининг заифлашуви натижасида давлат мажбуриятларининг ортиши;
- Олиб борилаётган ислохотларга қарамай иқтисодийта долларлашув даражасининг сезиларли ўсиши.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рейтинг кутилмасини яхшилаш учун давлат қарзини макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаб туриш ҳамда ташқи қарз ўсишини қатъий назорат қилиш талаб этилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги
матбуот хизмати**

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРИН НИМА УЧУН КЕРАК?

Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузидан юксалтириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз изчиллик билан ислохотларни амалга ошираётган, миллий рейтингимизни белгилаётган агентликлар уларни муносиб баҳоламоқда.



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодийет фанлари доктори, профессор

Аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол туғилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинг, инвестициявий жозибдорлик рейтинг ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очқилиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун кенг қўламли ислохотлар олиб бораётган ва ривожланиш палласида бўлган давлатлар, албатта, рейтингларда муносиб ўринларни эгаллашга интилиши табиий. Негаки, бугунги замонавий дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэътироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади.

Бугун Ўзбекистон очқилик сиёсатини олиб бориши натижасида халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаб бормоқда. Бу, аввало, кўшни давлатлар ва нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолияти, шунингдек, давлат органларининг халқ манфаатларини тўла ифода этишига қаратилаётган эътиборнинг самарасидир.

Сўнги қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз эркинлиги, бизнес юритишда энгиллик ва имтиёзлар бериш, коррупцияни батамом тугатиш борасидаги ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди. Натижада Ўзбекистон халқаро рейтингларда юқори ўринларга кўтарилиб, ўз ижобий имижини яхшилаб бормоқда. Дунё мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва инвесторлар мамлакатимизга истиқболли ҳамкор сифатида муносабат билдирмоқда. Оддий айтганда, Ўзбекистон хорижий аренада ишончли ҳамкор қиёфасида намоён бўляпти. Лекин, ишонч билан айтиш керакки, мамлакатимиз бундан-да юқори кўрсаткичларни қайд этишга қодир.

Яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Президент Фармони мазкур ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ушбу Фармон билан эндиликда “Глобал рақобатбардошлик” индекси, “Иқтисодий эркинлик” индекси, “Логистика самарадорлиги” индекси, “Бизнес юритиш” индексида муносиб ўринни эгаллаш бўйича алоҳида орган фаолият юритади. Давлат органлари биринчи раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг бош мезони халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилашга қаратилади. Натижада раҳбар ўзи бошқараётган соҳанинг ривожланиши, унинг ички ва ташқи рейтингларда юқори ўринларни эгаллаши учун самарадорликни ошириш масалаларига эътибор қаратади.

Маълумотларга кўра, давлатлар мавқеини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекслар бор. Минг афсуски, баъзи бир рейтингларда умуман ўринга эга эмасмиз ёки куйи поғоналардан ўрин олганмиз. Сабаб эса бу борада тизим ва фаолият олиб борувчи орган бўлмаган. Аслида ўша рейтингда бизнинг реал ҳолатимиз юқори ўринни эгаллашга муносиб бўлиши мумкин.

Айтиш керакки, давлат имижини халқаро даражада оширишга бел боғлаган ва халқ тақдирини ўйлаган лидерларнинг ўз имкониятларини намоён этиш фурсати келди.

Мухтасар айтганда, эндиликда давлат органлари фаолиятининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги аксини шаффоф кузатиш имконига эга бўламиз. Бу жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнларида муҳим омилдир.

ТАҲЛИЛ

Жорий йилнинг январь – апрель ойлари мобайнида ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 2,5 млрд. долларни, шу жумладан тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар - 1,7 млрд. ва хорижий кредитлар - 831 млн. долларни ташкил этди.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ЎСДИ

2019 йил шу даврига нисбатан ўсиш суръати 1,6 баробарни ташкил этди. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 26% гача ўсди.

Ҳисобот даврида 336 та лойиҳа ишга туширилди: 8 та йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва 328 та ҳудудий аҳамиятга эга sanoat объектлари.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни киритиш бўйича Россия, ХХР, Германия ва Жанубий Корея етакчилик қилди, мамлакат иқтисодиётига сармоя киритаётган мамлакатларнинг умумий сони эса 37 тани ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда электротехника sanoati (2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш - 24 баробар), кимё sanoati (ўсиш - 13 баробар), чарм ва пойабзал (ўсиш - 2,5 баробар) соҳаси инвесторлар учун энг жозибador бўлиб қолди. Нефть ва газ sanoati (ўсиш - 2,3 баробар) ва қурилиш материалларининг ишлаб чиқарилиши (ўсиш - 1,6 баробар) ҳам яхши кўрсаткичларни намойиш этди.



Шу билан бирга, тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларга йўналтиришда ўсиш тенденцияси кузатилиб, ҳисобот даврида уларнинг умумий қиймати 958 млн. долларни ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 баробар ошди. Ҳудудлар кесимида юқори ўсиш динамикаси Жиззах (13 баробар), Наманган (9,4 баробар) ва Сурхондарё (4,2 баробар) вилоятларида кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ – 4563 - сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига асосан 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий воситаларга 233,2 трлн. сўм, шу жумладан тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар - 7,1 млрд. доллар, давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар - 2,7 млрд. долларни ташкил этиши режалаштирилган.

Хусусан, 2020 йилда 2 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва sanoat объектларини: 206 та янги йирик ишлаб чиқариш объекти, 240 та ҳудудий аҳамиятга эга ишлаб чиқариш объекти ҳамда 1,6 мингта ижтимоий ва инфратузилмавий объектларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги матбуот хизмати

МОЛИЯВИЙ САВОДИНГИЗ БОРМИ?

Кейинги пайтда “молиявий саводхонлик” атамаси тез-тез кўлланилмоқда. Хўш, молиявий саводхонлик ўзини қандай кўрсатиши?



Молиявий саводхонлик дейилганда ҳар бир кишининг иқтисодий ва молиявий билимлари тушунилади. Унинг аҳамияти эса кейинги йилларда давлатлар тараққиётида ўта муҳим бўлиб қолаётди. Шу боис, ҳам бир қатор мамлакатларда молиявий саводхонликни оширишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишдан кўзланган мақсад – одамларни асосий молиявий концепцияни тушуниб етишга ўргатишдир. Саводхонлик аҳолига ўз маблағларидан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда сармоясини кўпайтиришга ҳам имкон беради. Бу эса нафақат уларнинг ўзига, балки давлат ғазнасига етарли миқдорда маблағ келиб тушишига сабаб бўлади. Демак, оддий қилиб айтганда, молиявий саводхонлик юқори киши ҳам юртни, ҳам чўнтагини бойлатади.

Афсуски, коронавирус пандемиясининг кириб келиши қайсибир маънода молиявий саводхонлигимизни яна бир қарра синовдан ўтказди. Аҳоли ўз пул маблағларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Аммо тан олиб айтиш керакки, бу борада анча-мунча ишлар қилиниши кераклиги очиқ намоён бўлиб қолди.

Пандемия туфайли юзага келган инқироз нафақат давлатимизда, балки энг ривожланган мамлакатларда ҳам одамларнинг қармони бўшаб, даромад манбаисиз қолишига, ишсизликлар ортишига олиб келди. Ишлаб чиқариш, sanoat, ҳар 5 нафар ходимдан тўрт нафари ва бошқа кўлаб соҳалардаги корхона, ташкилотлар ўз фаолиятини тўхтатди. Бу эса ўз-ўзидан миллионлаб инсонларнинг даромадсиз қолишига сабаб бўлди.

Натижада аксарият кишилар доимий ишидан ташқари қўшимча даромад манбаи топиш хусусида бош қотиргани тайин. Аммо бунинг уйдасидан чиққанлар санокли.

Яна бир гап. Кейинги йилларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун жуда катта сазъ-ҳаракатлар қилиняпти. Албатта, бу ўз самарасини берапти. Аммо кези келганда тан олиш жоизки, банклар томонидан тақдим этилаётган имтиёзли, кам фоизли кредитлардан ҳам фойдалана олмаётган фуқароларимиз ҳам етарлича топилади. Бунинг сабаби молиявий саводхонлигининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Шуниси аниқки, биз пандемияга қадар ҳам, ҳозирги мураккаб вақтларда ҳам

одамларнинг молиявий саводхонлигини оширишга етарлича етарли эътибор қаратмадик.

Мисол келтирадиган бўлсак, Россия Федерациясида деярли ҳар бир молиявий муассаса, тижорат банклари, шунингдек молия вазирлиги ташаббуси билан карантин даврида аҳоли ҳамда тадбиркорларга иқтисодий масалаларда тушунтириш берадиган “инқирозга қарши қурашиш марказлари” ҳамда махсус порталлар ташкил этилди. Масалан, “вашифинансы.рф” порталида карантин даврида аҳоли ва бизнес вакилларини кўлаб-қуватлаш чоралари, янги турдаги ижтимоий имтиёзлар, фирбгарлардан ҳимояланши йўллари, жамғармаларни сақлаб қолиш усуллари, оила бюджети маблағларида ҳаражатларни қисқартириш қоидалари, молиявий шок ҳолатидан чиқиш йўллари ва бошқа кўлаб молиявий масалаларга бағишланган маълумотлар жойлаштирилган.

Лекин, афсуски, интернетнинг ўзбек сегментида бу борада етарлича маълумот бера оладиган биронча вебсаҳифа ёки дастур топилмади...

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Келинг, яхшиси бу ҳақда айрим хорижий маълумотлар билан танишамиз.

Хусусан, АҚШда 2000 йиллар бошида бу масалага жиддий эътибор берилди бошланди. Ўша пайтларда ўтказилган тадқиқотга кўра, ҳар 5 нафар ходимдан тўрт нафари маблағини ойлқидан ойлқикка қадар базўр етказиши аниқланган. Аҳолининг ҳар тўртинчиси ҳаётида пул жамғара олмай, ишлаб топган барча даромадини сарфлаб юбораркан. 75 фоизи эса қарз ва кредитларга ботган. Бу эса ҳукуматдан молиявий саводхонликни оширишга жиддий эътибор қаратиш керак эканлигини кўрсатган.

Шундан сўнг мамлакат бўйлаб аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув машғулотлар ўтказиб, ихтисослашган компаниялар сони кўпайиб, мактабларда ҳам молиявий саводхонлик дарслари ўтила бошланди.

Очигини тан олиш керак, аксарият инсонлар ўз маблағларини қандай бошқаришни билмайди. Улар фақат пул топишга ҳаракат қилади, холос. Уни унумли фойдаланишга, сарфлашга эътибор қаратмайди.

“Ramsey Solutions Research” ташкилоти ана шундай кишиларни йиғиб, турли ўқув машғулотлари ўтказиб келмоқда. Жумладан, илк йилларда асосан, компаниянинг машғулотларига 76 мингдан ортиқ талаба қатнаган. Уларнинг молиявий билим салоҳияти оддий аҳолига нисбатан сезиларли даражада ортиб, ўз маблағларини тўғри сарфлашга ва молиявий хизматлардан унумли фойдаланишга ўрганган. Бу эса талабаларнинг кейинги ҳаётларида ўз йўлини топишида муҳим омил бўлган.

Қуйида молиявий саводхон инсонлар ўзлаштирган айрим жиҳатларга эътибор қаратамиз:

БЮДЖЕТНИ ТАШКИЛ ЭТА ОЛИШ

Мактабда, бошланғич синфда кўшиш ва кўпайтиришни ўрганиш бошқа, ўз молиянги нисбатан ушбу амалларни кўллаш олиш эса бутунлай бошқа масала. Аксарият одамлар ойлқидан ойлқикка зўрға кун кўради. Бунинг асосий сабаби эса имконият билан истакнинг мувозанати бир маромада ушланмаганида. Молиявий саводхонлик эса инсонга иқтисод қилиш ва асосий мақсад учун пул жамғариш ва ўз бугуни ҳамда келажғи учун хавотирланмасликни ўргатади.

КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ХАРАЖАТЛАР

Баъзан ҳаётда қутилмаган ҳодисалар юз бериши ва катта миқдорда талаб этилиши мумкин. Бироқ кўпчилик бундай вақтларда шунча миқдордаги маблағни топа олмайди. Аммо камчилик бўлса-да, яна бошқа тоифадаги инсонлар айнан қутилмаган ҳодисалар учун алоҳида заҳира маблағини жамғариб қўяди.

ҚАРЗДОРЛИК

Ипотека кредитларидан ташқари одамлар ўзларини автомобиль учун, таълим учун ва бошқа мақсадларга кредит олишга мажбур бўляпти. Бу бутун дунёда учраётган тенденция. Бироқ қарзнинг босими одамлар ҳаётида қанчалик акс этатганини ҳис қилиш учун аксарият инсонлар ойлқидан даромадининг қарийб ярмини қарзларни тўлаш учун йўналтиришини тасаввур қилсак бўлгани. Молиявий саводхон инсонлар эса қарзни қоплаш учун сарфланадиган вақт ва маблағни ўз келажғи учун инвестиция сифатида киритиши мумкинлигини тўғри тушунади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, одамларни молиявий саводхонликка ўргатишнинг имкони бор ва бунинг аҳамияти катта. Бунинг учун ОАВ ва интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш, аҳоли ўртасида молиявий саводхонлик мавзуларига бағишланган семинар, амалий машғулотларни ўтказиш, тегишли мавзулардаги буклет, рисола ва адабиётларни кўпайтириш ва турли сайтлар ёки телеграм каналларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Саодат СОДИҚОВА,
тайёрлади

Молия мутахассисларидан бири Крис Барлтон “Ривожланаётган бозорлардаги банклар” асарида ислом банклари фаолиятини таҳлил қилган ва унга кўра ислом банклари капитали йилга 10–15 фоиз суръат билан ўсмоқда. Бу эса молия соҳасида жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Айнан ушбу кўрсаткичнинг юқорилиги сўнгги пайтларда кўпгина фарб мамлакатлари банкирларини дунёнинг турли мамлакатларида ўзларининг исломий банк фаолияти билан шуғулланувчи шўъбаларини очишга туртки бўлмоқда. Хусусан, “Чейз Манхэттен”, “Голдмэн Сакс”, “Ай-Эн-Джи”, “Номура Секьюритиз”, “Джей Пи Морган” ва бошқалар шулар жумласидандир. Американинг машҳур банкларидан бири “Ситибанк” махсус ислом фондлари учун 1 млрд. доллар маблағ ажратгани ҳам молия бозорида ислом банкларининг роли тобора ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Бугунги кунда ислом банкларида аъёнавий банк операцияларининг, деярли, барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, ҳисоб-китоб, тўлов операциялари амалга оширилади. Улар саноат, аграр сектор, тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.

Мазкур банклар кўйидаги тамойиллар асосида фаолият юритади:

1. Мушорака – шерикчилик асосида, яъни банк ва тадбиркор томонидан лойиҳани биргаликда амалга ошириш.

Ислом банкларида амалга ошириладиган банк операцияларининг мушорака турида банк молиялаштиришдан кўзлаган мақсад муайян фоиз олиш эмас, балки олиниши керак бўлган фойдада иштирок этишдир.

Мушоракада олинган фойда кўйидагича тақсимланади:

– фойданинг бир қисми иш ҳақи, бошқарув ёки лойиҳани амалга оширишдаги бошқа иштироки учун шерикка ажратилади;

– фойданинг қолган қисми эса шериклар, яъни банк ва тадбиркор ўртасида лойиҳага тикилган маблағнинг нисбатига кўра пропорционал равишда тақсимланади.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, иш натижаси зарар билан аяқланса, у ҳам шериклар ўртасида молиялаштиришдаги иштирокига кўра пропорционал равишда тақсимланади. Тадбиркор лойиҳа ташаббускори бўлган боис, менежментни ўз қўлига олади. Банк эса шартномага қатъий риоя қилган ҳолда лойиҳанинг бажарилишини назорат қилиб боради. Бу билан у ўзи ва шериги томонидан иш учун тикилган капитални ҳимоя қилади.

Мушорака бўйича капитал, албатта, икки томондан қўйилмоғи лозим. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, томонлар капиталининг тенг бўлиши шарт эмас. У турли нисбатда қўйилиши мумкин. Инвестиция қилинаётган маблағ эркин айланадиган бўлиши ва энг муҳими, унинг манбаи маълум бўлмоғи лозим. Мушорака

шартномаси шерикларнинг бир-бирига бўлган тўлиқ ишончига асосланади. Ширкат маблағини бегона – учинчи шахс манфаатига ишлатиш ёки пул маблағларини бошқаришни учинчи шахсга, топшириш, шунингдек, компания маблағларини ўзининг шахсий маблағлари билан аралаштириб юбориш, умуий маблағни қарзга бериш ёки кафолат сифатида қўйиш мумкин эмас.

Банк талабгор тадбиркорлар ичидан шерик танлашда унинг нафақат профессионал маҳорати, балки унинг ахлоқий жиҳатларини ҳам инобатга олади.

2. Мудораба – ишонч асосида молиялаштириш. Ушбу банк операцияси турининг моҳияти шундаки, бунга кўра томонларнинг бири сармоя кўювчи ва иккинчи тараф иш юритувчи сифатида фаолият юритади. Демак, банк лойиҳани тўлиқ молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойиҳани бевосита амалга оширувчи ҳисобланади.



ИСЛОМИЙ БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Ислом банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг мудораба тури мусулмон аҳоли ўртасида кенг тарқалган асосий хўжалик юритиш тамойилини ўзида акс эттиради. Муомаладан холи ёки бўш сармояга эга бўлган шахс уни ўзи хоҳлаган соҳага ёки бир пайтининг ўзида турли соҳаларга йўналтириши мумкин. Бунда иккинчи тараф сармояни тасарруф этувчи, яъни лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ва бошқарув ишларига мутасадди шахс сифатида муомалага киришади. Мудораба шартномасига кўра фойда тарафлар ўртасида олдиндан келишилган нисбатда тақсимланади. Шариат нуқтаи назаридан мудораба молиявий воситаларни ишлаб чиқариш омилларига айлантиришнинг ҳалол ва қонуний йўли ҳисобланади. Бунда турли имкониятга эга бўлган хўжалик субъектлари бириктиб, ижтимоий фойда келтирувчи хайрли амал билан шуғулланиладилар.

Мудорабада учта иқтисодий категория амал қилади: капитал, меҳнат, фойда. Бунда капитал пул ёки натурал шаклда бўлиши мумкин. Шартнома тузилаётган вақтда капиталнинг ҳажми ва манбаи маълум бўлиши, шунингдек, у бошқа банк операцияларига жалб

этилмаслиги лозим. Лойиҳани амалга ошириш учун сарфланган меҳнатга ҳақ фойда ҳисобидан тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаб бўлингандан сўнг қолган маблағ соф фойда бўлиб, у шериклар ўртасида шартномада келишилган нисбатда бўлинади.

Худди мушорака сингари мудораба шартномасида ҳам лойиҳа банк томонидан синчковлик билан бошқичма – бошқич ўрганилади. Ушбу шартнома турида ҳам талабгорнинг нафақат молиявий аҳволи, балки унинг ахлоқий жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилади.

Банк томонидан лойиҳанинг бажарилиши устидан доимий ва қаттиқ назорат ўрнатилади. Агар лойиҳани амалга оширувчи томонидан йўл қўйилган хато ёки эътиборсизлик оқибатида зарар кўриладиган бўлса сўзсиз, ушбу зарарни қоплаш иш юритувчи зиммасига юклатилади. Ана шундай вазиятларни назарда тутган ҳолда ислом банклари

ра объектининг келишилган нархи белгиланган муддат ичида тўлаб бўлинган бўлиши керак. Аъёнавий банклар ҳам лизинг операцияларини амалга оширишда мижозга ижара муддати тугагач, сотиб олиш ҳуқуқини беради.

6. Закот – Моли ҳисобга етган давлатманд мусулмонлардаги камбағаллар ҳақи.

Банк томонидан закотларни жамлаш учун Закот уйи ташкил этилади. Ўз навбатида банк Закот уйига тушган маблағларни камбағаллар турмуш аҳволини яхшилашга, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ва бошқа жамоат манфаатидаги ишларга сафарбар қилади. Закот уйлари закот тўловчилардан ташқари барча турдаги хайри ва эҳсонларни қабул қилиб, уларни аҳолининг муҳтож қатламларига етказиш учун хизмат қилади.

7. Ал-Қард ал-Ҳасан (қарзи ҳасан) – фоизсиз ссуда ёки қарз.

Ислом банклари жисмоний ва юридик шахсларга маълум муддатга фоизсиз қарз бериши мумкин. Ушбу қарз асосан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун (масалан, завод, фабрика, йўл ва кўприклар қуриш) учун ажратилади. Айрим ҳолларда, маълум объектив сабабларга кўра қарздор шахс ёки ташкилот олинган маблағни қайтара олмаса, банк уни закот фонди ҳисобидан қоплаб бериши мумкин.

Шундай қилиб ислом банклари ўз мижозларига юқоридаги операцияларни амалга ошириш учун уч хил фоизсиз ҳисоб (счёт)ни таклиф қилади: 1. Жорий ҳисоб. Бу фоиз ставкаси қўйилмайдиган чек ва жамғарма ҳисоби бўлиб, бунда банк мижозлардан қўйилма ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатгани учун муайян тўлов олишга ҳақлидир. Агар мамлакатда инфляция жараёни кузатилаётган бўлса, ҳисоб рақамидаги пул маблағларига индексация асосида муайян миқдордаги пул компенсация сифатида тўланади; 2. Инвестицион ҳисоб. Ушбу ҳисоб тури бўйича мижозлар турли операциялар воситасида ўз маблағларини истиқболли лойиҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Албатта, бунда фойда ва зарар, юқорида айтиб ўтилгандек, банк ва мижоз ўртасида шартномага кўра тақсимланади; 3. Кредит ҳисоби. Ислом банклари мазкур ҳисоб орқали талабгор тадбиркорларга ҳамда аҳолининг муҳтож қатламларига фоизсиз қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз (кредит) беради.

Хулоса қилиб айтганда, бу ҳолатда давлатманд мусулмонлар ўз эҳтиёжларидан холи бўлган бўш маблағларини банкнинг кредит ҳисобига қисқа ёки узоқ муддатли депозит сифатида қўядилар. Банк ушбу маблағларни келишилган муддатда тўлигича қайтаришни кафолатлайди.

Хусанбой ЖўРАЕВ
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академиyasi
“Тижорат банкларини
бошқариш” мутахассислиги
2-курс тингловчиси

